

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ  
ЮНЕСКОНИНГ «ФУҚАРОЛИК ТАЪЛИМИ ВА  
ҚАДРИЯТЛАРИ» КАФЕДРАСИ

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИ  
ЎРГАНИШ МЕТОДИКАСИ» ФАНИДАН  
ЎҚУВ УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ - 2003

## **Аннотация**

«Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш методикаси» фани дастурига биноан, фан ўқитилиши назарий ва амалий машғулотларга бўлинган, ўқув услубий қўлланма дастур асосида тузилган.

Махсус курс 12 соат маъруза ва 8 соат амалий машғулотга бўлинган. Маърузаларни ва амалий машғулотларни ўтишда талабаларнинг ўзларини кўпроқ ишлатишга ҳаракат қилиш лозимлиги инобатга олинган.

Ушбу ўқув услубий қўлланма барча педагогика олий ўқув юртлари учун мўлжалланган.

Тузувчилар: проф. О.А.Каримова  
Ўқитувчи: З.Абдулхакимова

Тақризчилар: доц. А.Тўхтахунов  
Катта ўқитувчи: М. Давлатова

Қуйидаги услубий қўлланма Низомий номидаги ТДПУнинг 2001 йил 21 сентябрдаги 2-4 сонли илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2001 йил 4 январда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида» Ф-1322-сонли фармойишни қабул қилди. Бу фармойишга биноан 2001 йил 1 августга қадар ««Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш бўйича зарур дастурлар, курслар, методик кўрсатмалар ва бошқа дидактик воситаларга қўйилган талаблар тасдиқланди ва уларни яратиш бўйича танглов эълон қилинди. Дастурлар, дарслклар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш бўйича маҳсус курслар таълимнинг барча тизимида ўтилмоқда. Лекин бугунги кунгача мактабгача таълимда, мактабларда бу фанни ўргатадиган мутахасислар деярли йўқ. Фанни ўқитиш йўлларини, методларини мукаммал билиш учун 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб синов тариқасида мактабгача таълим тизимига тайёрланаётган талabalар учун «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш методикаси» фанини ўқитила бошланди. Маҳсус фанни мукаммал ўтиш учун ўқитувчиларга методик қўлланма зарурлигини эътиборга олган ҳолда ушбу қўлланма ёзилди.

Ҳеч нарса енгил ғалабага олиб келмайди, инсон изланиш, ўрганиш, фикрлаш қобилиятига эгалигидан доим фойдаланиб иш қўрса, албатта ютади. Конституцияни мукаммал билиш учун, уни ўргатиш учун аволла ўқитувчилар ўзлари билимдон бўлишлари шарт. Маҳсус ўқув қўлланма ўқитувчиларга Конституцияни ўргатишнинг айrim йўлларини кўрсатиб беради. Ўқитувчи дарс жараёнида ўз машғулотларини талabalарнинг қабул қилиш, ёши ва бошқа хусусиятларини эътиборга олган ҳолда қўшимчалар киритиши мумкин.

# Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш методикаси фанидан маъруза матни

## **1. Мавзу: Фаннинг предмети, мақсад ва вазифаси- 2 соат**

### **Режа:**

1. Фаннинг мақсади ва вазифаси;
2. Махсус курсда ўтиладиган мавзулар, уларнинг аҳамияти;
3. Мактабгача таълим муассасаларида Конституцияни ўрганиш бўйича «Конституция сабоқлари» махсус курсининг мақсади;
4. Мактабгача таълим муассасаларида «Конституция сабоқлари» бўйича босқичли машғулотлар олиб борилиши.

### **ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т., «Ўзбекистон», 1992.
2. Инсон ҳуқуqlари умумжаҳон декларацияси. - Т., «Адолат», 1992.
3. И.А.Каримов. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли». – Т., «Ўзбекистон», 1992.
4. И.А.Каримов. «Ўзбекистон - келажаги буюк давлат». - Т., «Ўзбекистон», 1992.
5. И.А.Каримов. «Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати». - Т., «Ўзбекистон», 1993.
6. И.А.Каримов. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин!». – Т., «Ўзбекистон», 1993.
7. И.А.Каримов. «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.» «Халқ сўзи», 2002 йил 30 август.
8. Р.К.+аюмов. «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи». – Т., «Ўзбекистон», 1998.
9. Ш.З.Уразаев. «Развитие Конституции ЎзССР», - Т., 1957.
10. А.Х.Сайдов. «Мустақиллик қомуси». - Т., 1993.
11. У.Т.Тожихонов. «Истиқлолимизнинг ҳуқуқий негизи», Т.1994.
12. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар. Т.2001й.
13. Ўзбекистон Республикасининг Прокуратура тўғрисидаги қонуни (янги таҳрири), 2001,29 август.
14. Ўзбекистон Республикасининг судлар тўғрисидаги қонуни, 2000, 14 декабр.

## **Фаннинг мақсади ва вазифаси**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2001 йил 4 январ Ф-1322 рақамли «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишини қабул қилди. Бу фармойишда ҳаётимизнинг асосий қонунини Республикамиз Конституциясини ўрганиш, ёш авлоднинг хуқуқий онги, маданиятини юксалтириш, Конституциянинг мазмуни-моҳиятини тарғиб ва ташвиқ қилиш мақсадида маҳсус комиссия тузилган эди.

Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта таълим вазирилиги ва бошқа таълим муассасаларига эга бўлган вазирлик ва идораларга 2001 йил 1 августга қадар Республикамиз Конституциясини ўрганиш бўйича мактабгача таълим тизимидағи тарбиячи ва методистлар, мактаб, ўрта маҳсус, касб-хунар таълим ва олий таълим тизимида дарс берувчи профессор-ўқитувчиларни тайёрлаш; 2001-2002 ўкув йилидан бошлаб барча таълим тизимида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» курсларини ўқитиши амалга ошириш ва курс мазмунини ўзлаштиришни таъминлаш мақсадида унинг якуни бўйича ўқувчи ва талабалар орасида коллоквиум ва синовлар ўтказилиши юклатилган эди.

Босқичли хуқуқий таълим-тарбия беришдан мақсад-ёшларнинг хуқуқий онига бевосита таъсир этувчи, назарий хуқуқий билимлар, кўникма ва малакаларни таркиб топтиришни узлуксиз таъминлашдир.

Узлуксиз хуқуқий таълим-тарбия дастури асосида ўқувчи ёшлар хуқуқий билим, кўникмаларни эгаллар эканлар, улар келгусида ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида ўз ўрнини мустаҳкам топадилар. Ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида ўзаро муносабатларда хуқуқий маданиятли юксак ходимлар бўлиб етишадилар. Бундан мамлакатимизнинг иқтисодий ва маънавий ҳаёти ҳар томонлама соғлом, қувватли салоҳиятга эга бўлади. Улар давлатимизнинг Асосий +онунини мукаммал билиши, унинг меъёрларига риоя қилган ҳолда иш юритишлари керак.

Фаннинг асосий мақсади болаларимизга илк хуқуқий тушунчалар, сўзларни ўргатиш, уларни қабул қилиш аста-секин шакллантиришдан иборат. Уларга бола тилида «яхши», «ёмон», «мумкин», «мумкин эмас» сўзларини илк мактабгача таълим муассасиларида «Конституция сабоқлари» машғулотларида ўргатишни дастурда режалаб фан тариқасида ўтишни амалга ошириш бошланган.

## **Маҳсус курсда ўтиладиган мавзулар, уларнинг аҳамияти**

Келажаги буюк давлат - Ўзбекистон Республикасининг истиқболдаги бош мақсади инсонпарвар, демократик, хуқуқий давлатни ва фуқаролик

жамиятини бунёд этиш ҳисобланади. Шу боис ўзбек халқи Ўзбекистонда яшаб меҳнат қилаётган барча миллат халқлари, бу борада жамиятнинг барча соҳаларида янгиланишлар қилмоқда ва бунёдкорлик ишларини амалга ошироқдалар.

Табиийки, ҳуқуқий давлат ўз-ўзидан бунёд бўлмайди, бунинг учун жамиятнинг барча аъзолари, айниқса, унинг ворислари-ёш авлод, маъсулиятни ҳис этадиган, муносиб фуқаролар бўлиб, этишишлари ва давлат тараққиётига гуллаб-яшнашига ўз улушларини қўша оладиган бўлиб тарбияланишлари керак. Шунингдек, улар онгида Конституция ва қонунларнинг устуворлиги таъминланиши ҳамда юксак ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг қарор топиши зарур. Ана шу олий мақсад давлатни миллати сифатида дунёга танитадиган етук юридик кучга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжат Конституциямизда ўз ифодасини топган.

Мамлакатимизда Конституция туфайли ўқувчи ёшларнинг тўлақонли соғ-саломат ривожланишлари, билим олишлари, дам олишлари, ҳордиқ чиқаришлари, ўzlари хоҳлаган қасб-ҳунарни эгаллаб жамият ҳаётида фаол иштирок этишлари учун барча шарт-шароитлар, имкониятлар яратилган.

Конституция халқимизнинг хоҳиш иродасини адолатли давлат, фаровон жамият ва эркин ҳаёт қуриш, уни ривожлантиришнинг истиқболларини белгилайди. Унда инсон ҳаёти, унинг шаъни, қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқлари ва бошқа манфаатлари олий қадрият сифатида мустаҳкамлаб кўйилган.

Конституцияда атроф-мухитнинг ифлосланиши ва заарланиши кишилар, айниқса, болалар соғлиғига салбий таъсирини чеклаш, табиат бойликларидан тажовузкорона фойдаланмаслик, Оллоҳ инъом этган барча неъматлардан оқилона фойдаланиш каби комплекс экологик йўл-йўриқлар ўз ифодасини топган. Бу ҳам инсонпарварликнинг олий намунасиdir.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мазмунида мужассам бўлган илғор ғояларга ва ахлоқий ҳуқуқий қоидаларга амал қилиб ҳаётда яшашни, турмуш тарзининг ажралмас узвий қисмига айлантириш ҳамда олий қадрият ҳисобланган инсоннинг ҳуқуқлари, эркинларини авайлаш бурчлари бажарилишини таъминлаш давр талабидир.

Конституция ва қонунларнинг ҳаётда амалий ифодасини топишда ўсиб келаётган ёш-авлоднинг Конститутция ва унинг асосида қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида ҳуқуқий билимлар эгаллаш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятларни ошириш мухим роль ўйнайди.

Таълимнинг барча тизимларида ёшларнинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялашга ҳамда ҳуқуқий таълимнинг ўқув ва моддий услубий таъминотини яхшилашга эътибор бериб келаётгани 2001 йил 4 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиши тўғрисида» ги фармойиши ҳам кўрсатиб турибди. Бу фармойиш ёшларда миллий ғоя ва миллий мафкуруни янада теранроқ ривожланишида уларнинг ҳақиқий етук ва баркамол кишилар бўлиб этишишларида катта аҳамият касб этади.

«Конституция алифбоси» дарслари боғчада «Конституция сабоқлари» маҳсус курсидан болаларнинг олган билим ва сабоқлари давоми ва анча юқори даражадаги ифодаси. Ўқув йили давомида қуидаги масалаларни ўқитувчилар билим беришларида қўллайдилар:

- туғилиб ўсган жойини билиш;
- Она-Ватанига нисбатан меҳр-муҳаббат;
- оила аъзолари – ота-она, ака-ука ва опа-сингилларига бўлган ҳурмат ҳисси;
- хаётий тартиб-қоидаларни англаб этиш;
- мумкин ва мумкин эмас, яхши ва ёмон тушунчаларни фарқлай олиш;
- одоб сақлаш, интизомли бўлиш, ҳадеб инжиқлик қилмасликка одатланиш;
- табиат тушунчаси, табиий бойликлар, улардан оқилона фойдаланиш йўл-йўриқлари, табиатни асраб-авайлаш;
- «+изил китоб» фалокат рамзи эканлиги;
- туғилиб ўсган жойи, шаҳри, қишлоғи, вилояти, мамлакати, халқи урф-одатлари, қадриятлари, тарихий жойлар ҳақида тушунчалар;
- Ўзбекистон халқи ва давлатт тилини ҳурмат қилиш, харбий қўшинларимиз масаласида ботирлик жасурлик ва ватанпарварлик туйғулари;
- эркинлик, озодлик-мустақиллик неъмати эканлиги; ўзбек миллати ва урф-одатларига, бошқа миллат ҳалқларига меҳр-муҳаббат ва ҳурмат ҳислари;
- шахс сифатида ўзини англаш;
- миллий байрамлар мустақиллик куни, хотира ва қадирлаш куни, наврӯз, хайит ва бошқа байрамлар тушунчалари, маънавий меросни асраш тушунчалари манавий меросни асраш зарурлиги ва бошқалар

Методик қўлланманинг мазмун-моҳиятида илгари сурилган ҳукуқий билимларни такомиллаштриш ва бошқа масалалар маъно ва моҳиятини атрофлича очиб беришга ойдинлаштиришга ва ўқувчилар онгига сингдиришга мўлжалланган.

Ўқитувчи ўқувчиларга маҳсус курсдан билим берар экан, энг аввало ўқув қўлланмасидан чекланмаслиги керак. Аксинча у ёки бу масалани ўқувчилар онгига етарлича сингдира олишни мақсад қилиб олиш керак. Бунинг учун ҳар хил ҳаракатлардан ва замонавий воситалардан унумли фойдаланиши лозим. Айrim ҳоллардагина ўқув қўлланмада берилмаган қисқа ва кенг мазмунли текст матнларини ўқиб беришда, шеърлар айтишда ва мақоллар келтиришда фойдаланиши мумкин (бундай манбалар намуна ва методик қўлланмада анчагина келтирилган).

Курснинг бош мазмуни шундан иборатки, асосий қонунимизнинг мазмун моҳиятини замон талаблари даражасида ўқувчиларга сингдириш

ҳамда ҳар хил ҳаракатлар, керак бўлса амалий машғулотлар, орқали ўқувчиларга қонунларга ҳаётда риоя қилиб яшаш кўникма ва малакаларнинг бошланғич куртакларини шакллантириш шунингдек ўқувчиларнинг Республикализ рамзлари; герби, байроғи, ифодаси тасвирини билиб олишлари ва мадхия матнини ёдлаб мазмунини англаб олишларига эришишдан иборатdir.

Ўқитувчи ўқувчиларга курс юзасидан билим берар экан ўқувчиларнинг Конститутция тўғрисидаги мактабгача бўлган даврида билим олган билимларини тақорорланмаслиги, изчиллигига ва узлуксизлигига эришмоғи даркор.

### **Текшириш саволлари:**

1. «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш методикаси» фанини ўрганиш сабабларини айтиб беринг.
2. Бу фан кимларга ўргатилади?
3. Фанни ўрганиш сабабларини кўрсатинг.
4. Сиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида нималарни биласиз?

### ***2. Мавзу; Мактабгача таълим муассасаларида Конституцияни ўрганиши бўйича «Конституция сабоқлари» максус курсининг мақсади -(2 соат)***

1. «Конституция сабоқлари» максус курсининг ўтилиш сабаблари;
2. Мактабгача таълим муассасаларида «Конституция сабоқлари» бўйича босқичли машғулотлар олиб бориш.

### ***ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР:***

- 1) И.А.Каримов. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли». – Т., «Ўзбекистон», 1992.
- 2) И.А.Каримов. «Ўзбекистон - келажаги буюк давлат». - Т., «Ўзбекистон», 1992.
- 3) И.А.Каримов. «Буюк келажагимизнинг хуқуқий кафолати». - Т., «Ўзбекистон», 1993.
- 4) Инсон хуқуqlари умумжаҳон Декларацияси. - Т., «Адолат», 1992.

- 5) Р.К.+аюмов. «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий хуқуқи». – Т., «Ўзбекистон», 1998.
- 6) Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Тўплам. X 6-22. Т., «Адолат».

## **«Конституция сабоқлари» махсус курсининг ўтилиш сабаблар**

Мактабгача таълим муассасаларида Конститутцияни ўрганиш бўйича «Конститутция сабоқлари» махсус курси ўргатилади

Ҳар бир бола инсон-энг улуғ зот эканлигини, бошқа тирик мавжудотлардан нима билан ажралиб туришини гўдаклигидан билиши керак.

Мактабгача таълим-тарбия уч босқичда олиб борилади;

- 1) ўрта ёш (3-4 ёш);
- 2) катта ёш (4-5 ёш);
- 3) мактабгача тайёров даври (6-7 ёш).

### **Ўрта ёш даври (3-4 ёш)**

- Болаларни туғилиб ўсган жойи, она Ватанига нисбатан меҳр-муҳаббатни тарбиялаш:
- Оила аъзолари-ота-она, ака-ука, опа-сингилларига бўлган ҳурмат ҳиссини тарбиялаш:
- Мумкин, мумкин эмас, яхши, ёмон каби тушунчаларни фарқлай олишга ҳамда унинг маъносини тушунишга ўргатиш:
- Болаларни одоб сақлаш, интизомли бўлиш, ҳадеб инжиқлик қилмасликка одатлантириш:
- Табиат оламига зарар етказмаслик, уларни асраб-авайлашга ўргатиш.

### **Катта ёш даври (4-5 ёш)**

- Болаларнинг туғилиб ўсган Она-Ватани, шаҳар, қишлоғи, маҳалласи, халқи, урф-одатлари, тарихий жойлари ҳақида илк тушунчалар бериш:
- Ўзбекистон Республикаси рамзлари: байроқ, герб, мадхия билан танишириш ҳамда уларга нисбатан ҳурмат билан қарашни тарбиялаш:
- Болаларда ҳарбий қўшинларга нисбатан қизиқиши ўйғотиш орқали ботирлик, жасурлик, ватанпарварлик туйғусини сингдириб бориш:
- Болаларга тартиб-интизом қоидаларини ўргатишда давом этиб, яхши, ёмон, мумкин эмас деган тушунчаларини ривоятлар орқали тушунтириб бориш:
- Ўзбекистон Республикасининг давлат тили-ўзбек тили эканлигини турли шаклларда (тез айтиш, мақоллар ўргатиш, шеър ёдлаш

орқали ҳамда эртаклар айтиб бериш орқали) болаларга тушунтиришда давом этиш.

### **Мактабгача тайёрлов даври (6-7 ёш)**

- Мустақил Ўзбекистон ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш, эркинлик, озодлик, ўз давлат тилига эга бўлиш, миллий байрамларни қайта тикланганлигини тўғрисида тушунчалар бериб бориш;
- Ўзбекистон Республикасининг рамзлари: байроқ, герб, мадхия ҳақидаги олган билимларини янада мустаҳкамлаш, миллий валютамиз ҳақида билим бориш;
- Конституциянинг(1,4,5,6,29,36,37,40,41,49,50,52,55,64,54,68,70,89,1 22,126) моддалари мазъмуини болалар онгига етказиб бориш;
- Болалар қалбида ўзбек миллати, унинг тили, урф-одатларига меҳр-муҳабbat ва ҳурмат ҳисларини таркиб топтириш, миллий фахрланиш ҳиссини тарбиялаш. Шахс сифатида болани ўзини англашга ўргатиш:
- Миллий байрамларимиз; Мустақиллик куни, Наврӯз, хайит ва бошқалар ҳақида тушунчалар бориш. Маънавий меросимизни асраш, уларни ўрганиш бурчимиз эканлигини тушунтириб бориш.

### ***Мактабгача таълим муассасаларида «Конституция сабоқлари» бўйича босқичли машғулотлар олиб бориши.***

Боланинг ўзини шахс сифатида таниши ва унинг инсоний фазилатларини, яхши одатларни шакллантиришда Конститутциянинг аҳамияти катта. Шунинг учун ҳар бир гуруҳ тарбиячиси болаларни Конститутция сабоқлари билан таништириш бўйича дастур талабларини, яъни болаларга бериладиган билимлар ҳажмини ва уларни амалга ошириш йўлларини ва услубларини билиши керак. Дастур асосида тарбиячи болаларни ахлоқий қоида меъёрлари, она Ватан, табиат билан таништириш, буюк сиймолар, ҳарбий қўшинлар, транспорт ва жамоа жойларида ўзини тутишнинг хуқуқий нуқтаи назари бўйича таништириб, уларнинг билим доираларини кенгайтириб, тафаккурини ўстиради, маънавиятини бойитади. Бу вазифаларни ҳал қилиш орқали болаларнинг ақлий қобилияти ва нутқининг ўсиши таъминланиши лозим. Шунингдек, болаларда одамларга нисбатан, меҳр-муҳабbat, ҳурмат, самимилик, она шахрига (қишлоғига),

халқыга ўз ота-онасига мұхаббат, инсонпарварлық, адолат, әзгуликни тарбиялаш, ўз хақ-хуқуқтарини, бурчларини ҳис этиш түйғуларини тарбиялаш зарур.

Дастурда мактабгача ёшда бўлган болаларга бериладиган илк ҳуқуқий билимлар аниқ мавзуларга ажратиб кўрсатилган. Ҳар бир мавзу бўйича болаларга билим бериш ва уни мустаҳкамлаш, кенгайтириш, болаларнинг кун давомида турли-туман фаолиятлари (ўйин, мужассам машғулотларда, сайд, кечки соат) жараёнида ҳам амалга ошириб борилади.

Мактабгача ёшда бўлган болаларга Конститутция ҳақида тушунчаларни бериш «интеграл таълим» асосида амалга оширилади. Шунинг учун биз машғулот ишланмаларини теварак-атроф билан таништириш, табиат, бадиий адабиёт, одобнома бўлимлари мазмунига илк ҳуқуқий тушунчаларни сингдириб, боғлаб мужассам ҳолда ишлаб чиқдик.

Машғулот ишланмалари асосан ахлоқ - одоб меъёрлари билан уйғунлаштирилган тартибда ишлаб чиқилган. Бу болаларнинг ахлоқ ва ҳуқуқ тушунчаларининг узвий бирлигини англашга ёрдам беради ва болаларни руҳан тетик, ақлан комил, ахлоқий пок бўлиши учун тафаккур фаоллигини оширади. Болаларга одоб-ахлоқ меъёрларига қатъий амал қилиш кўникмасини ҳосил қилишда ёрдам беради.

Мактабгача таълим муассасасидаги болалар илк ҳуқуқ дарсларидан яхши нима-ю, ёмон нима деган тушунчаларни билиб мактабга келганда астасекин ҳуқуқий тушунчаларини, билимини бойтиб боради.

### **Текшириш саволлари:**

1. «Конституция сабоқлари» ўқув қўлланманинг муаллифлари кимлар?
2. «Конституция сабоқлари»дан мактабгача таълимда неча босқичли машғулотлар ўтилади?
3. ўрта ёш (3-4 ёш)лик болаларга қандай машғулотлар ўтилиши ўринли?
4. катта ёш (4-5 ёш)ли болаларга қандай ўйинлар Конституция билан боғлиқ ўргатилади?
5. мактабгача тайёрлов даври (6-7 ёш)да болалар Конституциядан нималарни билиши лозим?

### **3. Мавзу: Оилада Конституцияни ўрганиш-(2 соат)**

1. *Ота-она ва катталарни ҳурмат қилиши*
2. *Болани оила аъзоларига, катта-кичикларга нисбатан меҳр-мухаббатли қилиб тарбиялаш;*
3. *Тарбияга ўргатиш.*

## **Фойдаланган адабиётлар**

1. И.А.Каримов. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин!». – Т., «Ўзбекистон», 1993.
2. И.А.Каримов. «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари». - Т., «Ўзбекистон», 1995.
3. 1918-1920 йиллардаги Туркистон АССР Конституциялари.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т., «Ўзбекистон», 1992.
5. О.А.Каримова. +онун, оила, фарзанд ва жамият. Тошкент, 2001.

### **Ота-она ва катталарни хурмат қилиш**

Боланинг оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуки ота, онаси, қариндошлари, оиладаги катталар томонидан ўргатилади. Ҳар бир болага унинг ўз ота-онаси бўлиши, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиши, улар билан бирга яшаш ҳуқуқига эгалиги тушунтирилади.

Бола ўз исми, отасининг исми ва фамилиясини олиш ҳуқуқига эгалиги, туғилганлик тўғрисида гувоҳнома бўлиши ҳақида тушунча берилади.

Боланинг ўз фикрини ифода этиш ҳуқуки. Оилада боланинг манфаатларига талуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда бола ўз фикрини ифода қилишга ҳақлилиги тушунтирилади.

Ота-онани хурмат қилиш, оила аъзолари тўғрисида ғамхўрлик қилиш нимадан иборатлиги жонли мисоллар тариқасида кўрсатиб берилади. Бирор шахс оилада касал бўлиб қолса унга ғамхўрлик қилиш нималардан иборатлиги тушунтирилиши лозим. Боланинг қалбидан ғамхўрлик туйғуларини ўтказиш учун биринчидан, катталар бир-бирларига бўлган муносабатларини назорат қилиб ўzlари ҳуш муомалада бўлиб, болаларига ўrnak бўлишлари лозим. Иккинчидан, бола яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам оиладаги катталардан, уларнинг бир-бирларига бўлган муносабатларидан ўрганишини доим эслаб туриш лозим.

### **Болани оила аъзоларига, катта-кичикларга нисбатан меҳр-муҳаббатли қилиб тарбиялаш**

Фарзандлар оилада, жамиятда қандай бурчлари борлигини аввал ота-оналаридан ўрганадилар. Оиладаги муносабатларда ота-она бир-бирларини хурмат қилиши, фарзандларига бўлган муносабатлари, уларнинг юриш-

туришини назорат қилишининг сабабини бола тушунадиган сўзлар билан изоҳлаб бериб, бу муносабатлар вазифа, бурч дейилишини ўқтирадилар.

Фарзандларнинг ота-она олдидаги бурчларига қуийдагиларни киритиш мумкин:

- Одоб ахлоқ меъёрларига қатъий риоя қилиш;
- Ота-онани ҳурмат қилиш;
- Насиҳатларига қулоқ солиш;
- +илаётган ишларига кўмаклашиш;
- Уларни ранжитмаслик, уларга раҳм қилиш;
- Уларга раҳмат келтириш.

Болаларга «яхши одат», «ёмон одат» каби сўзларнинг фарқига боришига ўргатиш. Уйда, кўчада, боғчада тартиб, интизом ва озодалик каби ахлоқий фазилатларни, яхши, урф-одатларга амал қиласидиган болалар яхши болалар эканлигини тушунтириш керак.

Ота-оналарининг насиҳатларига қулоқ солса, яхши урф-одатларимизга амал қиласа, у бола яхши бола бўлади. Яхши болалар одобли, меҳнатсевар, тўғрисўз, ҳалол, меҳрли, камтар бўладилар деб тушунтириш лозим.

## Тарбияга ўргатиш

Болаларга ҳар-хил суратлар, ўйинлар орқали яхши-ёмонликни тушунтириш, тарбияга ўргатиш мақсадга мувофиқдир. Бу машғулотларни оиласидаги опа-акаларига топшириш мумкин. Бир-неча мисоллар тариқасида тарбия қилиш йўлларини кўрсатамиз.

1. Мана бу суратга қара. Бола эрталаб туриб, юз-қўлини ювиб, ота-насиға салом беряпти. Бу яхши одат. Демак у яхши бола. Мана бу бола эрталаб туриб, юз-қўлини ювмай тантиқлик, инжиқлик билан ҳархаша қиляпти. Онасини хуноб қиляпти. Бу ёмон одат. Бундай болаларни ёмон бола деймиз. Бу бола тарбиясиз.
2. Мана бу бола насиға ёрдам беряпти. Бу яхши одат. Меҳнатсеварлик яхши одат. Демак яхши бола. Мана бу бола насиға ёрдам бермай ўйнаб ўтирибди. Бу ёмон одат. Мана бу бола ёмон бола.
3. Мана бу бола қушларга дон беряпти. Уларга ғамхўрлик қиляпти. +ушларни севиш, уларга ғамхўрлик қилиш яхши одат. Демак, у яхши бола. Мана бу бола қушлар уясини бузяпти, уларга тош отяпти. +ушларга зарар етказиш эса ёмон одат. У тартиб бузувчи бола.
4. Мана бу бола дараҳтларга сув қуйяпти. Дараҳтларни парвариш қилиш бу яхши одат. Мана бу бола дараҳт шохини эгиг синдирияпти. Дараҳтларга зарар етказса бу ёмон одат. У ҳуқуқбузар бола.
5. Мана бу бола кўчани ўртасидан кесиб ўтяпти. Кўча қоидасига риоя қилмаслик бу ёмон одат. Мана бу бола пиёдалар учун ажратилган

йўлакдан юряпти. Кўча қоидасига амал қилиш бу яхши одат. Демак, бу бола яхши, одобли бола.

6. Мана бу бола ўртоқлари билан яхши, иноқ ўйнаяпти. Бу яхши одат. Мана бу бола ўртоқлари билан уришиб, уларни хақорат қилиб сўкяпти. Бу ёмон одат.

Энди ким яхши одатга кирадиган суратларни олиб кўрсатади. Демак ким ота-онасига ёрдам берса, ака-укаларига меҳрибон бўлса, рост сўзласа, ҳайвон, қушларни севса, уларни парвариш қилса, кўча қоидаларига риоя қилса, яхши одатларга амал қилса, улар яхши болалардир. Уларнинг ота-оналарига ҳам раҳмат келади. Ҳамма улардан хурсанд бўлади. Халоллик, поклик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик каби юксак ахлоқий фазилатларни тарбиялаш.

Юқоридаги машғулотлар орқали болалар илк ҳукуқий тушунчаларни: тарбиясз, тартиб, ҳукуқбузар, қоида, хақоратларни билиб олишди.

Асарлар орқали болаларнинг маънавий тарбиясига таъсир этиш мумкин. Меҳнат орқали етиштириб олинадиган ҳосилни кўпчилик билан баҳам кўриш ниятида ҳалол меҳнат қилиш, меҳнатсеварликни тарбиялашга киради. Оила, унинг аъзоларининг қадрига етиш, уларни ҳурмат қилиш каби юксак ахлоқий фазилатларни тарбиялаш мумкин. Оила шаънини оқлаш учун яхши оила, аҳил оила деган номни сақлаш уларнинг бурчи эканлигини болаларнинг онгига сингдириш керак. Оилани муқаддас билиб, ҳурмат билан унга амал қилишга ундаш лозим.

Бурч, ҳукуқ ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлашда қўйидагиларни тавсия этамиз:

- Ривоят орқали ўзларига хulosा чиқаришга, мустақил фикр юритишга ундаш;
- Ўйин орқали болаларни жисмоний чиниқтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш;
- Тасаввурлари бўйича мустақил ишлашга ўргатиш, болаларда ўзлари тасвирлаётган расмга нисбатан эмоционал муносабатни уйғотиш;
- Бўёқнинг тиниқлиги, гуашнинг ранги, ёрқинлиги кабилардан мустақил фойдаланишга ўргатиш ва х.к.

### Текшириш саволлари:

1. Оилада ота-она ва катталарни ҳурмат қилишда Конституциянинг қайси моддаларидан фойдаланиш керак?
2. Болани оила аъзоларига, катта-кичикларга нисбатан меҳр-муҳаббатли қилиб тарбиялашда нималарга эътибор берилади?
3. Тарбияга ўргатишда қандай усувлар қўллаш мақсадга мувофик?
4. Болада Конституция ва қонунларга қизиқиши йўларини излашда қандай ўйинлар, машғулотлар олиб бориш керак?

#### **4. Мавзу: «Конституция алифбоси» фанини ўқитиш- (4 соат)**

1. Дарс жараёнида ўтиладиган фанлар такрибида хуқуқий таълим-тарбия олиб бориш методлари;
2. «Она тили», «Одобнома» ва бошқа дарсларни Конституция билан боғлаб ўтиш;
3. Конституция ва қонунларга риоя қилиш тушунчаси.

#### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. И.А.Каримов. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли». – Т., «Ўзбекистон», 1992.
2. И.А.Каримов. «Ўзбекистон - келажаги буюк давлат». - Т., «Ўзбекистон», 1992.
3. И.А.Каримов. «Буюк келажагимизнинг хуқуқий кафолати». - Т., «Ўзбекистон», 1993.
4. И.А.Каримов. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин!». – Т., «Ўзбекистон», 1993.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т., «Ўзбекистон», 1992.
6. Инсон хуқуқлари умумжаҳон Декларацияси. - Т., «Адолат», 1992.
7. Р.К.Каюмов. «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий хуқуки». – Т., «Ўзбекистон», 1998.
8. Ш.З.Уразаев. «Развитие Конституции ЎзССР», - Т., 1957.
9. А.Х.Сайдов. «Мустақиллик қомуси». - Т., 1993.
- 10.У.Т.Тожихонов. «Истиқлолимизнинг хуқуқий негизи», Т.1994.
- 11.Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар. Т.2001й.
- 12.Ўзбекистон Республикасининг Прокуратура тўғрисидаги қонуни (янги таҳрири), 2001,29 август.
- 13.Ўзбекистон Республикасининг судлар тўғрисидаги қонуни, 2000, 14 декабр.
- 14.И.А.Каримов. «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.» «Халқ сўзи», 2002 йил 30 август.

## **Дарс жараёнида ўтиладиган фанлар такрибида хуқуқий таълим-тарбия олиб бориш методлари**

Биринчи дарс фаннинг мақсади ва вазифасига бағишланганлиги сабабли, ўқитувчи болаларга нима сабабдан бу фан зарур, фан бўйича нималар ўргатилади, Конституция нима, у қандай қонунлигини тушунтириб бериши мақсадга мувофиқдир.

Ўтиладиган дарснинг мавзусининг мазмунига қараб, ўқитувчи давлат, оила нималигини, оиласда қариндошлар муносабатини, ака-ука, опа-сингиллар муносабатини, давлат рамзлари нималигини тушунтириб беради.

Бу тушунчаларни сингдириш учун мисоллар келтириш, айрим ҳикоялардан парчалар ўқиб бериш, болаларга оиласвий муносабатларидаги қизиқарли воқеаларни гапириб беришни илтимос қилиш мақсадга мувофиқдир.

Оиласдаги тартиб қоидалар, транспорт воситаларида ўзини тутиш қоидалари, кўча ҳаракати қоидаларини мутазам равишда тушунтириб бориш лозим.

Биринчи синфда ўқитиладиган «Конституция алифбоси» дарси «Одбнома» мавзуси билан якунланади. Ўқувчи икки соат давомида «Оила муқаддас даргоҳ», умумий мавзу остида «Бизнинг оила», «Ота-онага хурмат», «Ака-ука», «Опа-сингилларга» муносабат мавзуларида тегишли хуқуқий билимга эга бўлишлари керак. Бунда бериладиган билим доирасида «Оила жамиятнинг асосий бўғини» дир деган конституциявий қоидани тушунтиришга, «Мехнатдадир кўп ҳикмат» мавзусида ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш хуқуқига эга эканлиги тушунтирилиши керак.

Одбнома дарси «Ўзбекистон-менинг Ватаним», «Ватан ҳимоячилари» мавзуларини ўқитиши билан якунланади. Ўқитиши жараёнида Ўзбекистон ҳалқининг тарихий маънавий ва маданий меросини асрар, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини тушунтириш лозим.

Иккинчи синфнинг 4-соатлик «Ўқиши» дарсида қуйидаги йўналишлар бўйича билим бериш назарда тутилган;

- Ўқув дарснинг «Мактаб» бўлимида Ўзбекистон фуқароларининг билим олиш хуқуқи, мулк тушунчаси мактаб биносининг, парта ва стулларнинг мактаб мулки эканлиги, уларни эҳтиёт қилиш зарурлиги китобларни авайлаб асрар кералиги ўзининг ва ўртоқларининг мулкига муносабат;
- «Нима яхшию, нима ёмон» бўлимида ўғрилик ва жиноят. Жиноятнинг келиб чиқиш сабаби. Тўғрилик жиноятчиликдан сақлайди. Мен яхши инсон бўламан. Яхши инсон тушунчаси;

- «Кумуш қиши», «+уш ва ҳайвонлар бизнинг дўстимиз» бўлимида табиатни асрар бурч эканлиги, «+изил китоб тушунчаси» бу китобда номлари келтирилган табиат жониворларига тажовузнинг жиноят эканлиги, мен қушларни асрайман улар мени дўстларим мавзусида сухбат;
- «Зумрад баҳор» бўлимида фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи. Ота-онани эъзозлаш зарурлиги. Отасизлик-онасизлик ачинарли ҳолат эканлигини бола қалбига сингдириш;
- «Ўзбекистон менинг Ватаним» бўлимида Ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш, уни ҳимоя қилиш, халқлар дўстлигини мустаҳкамланишига ҳисса қўшишнинг олий бурч эканлиги. Халқлар турли миллатлар ўртасига раҳна солишнинг жиноят эканлиги;
- «Ёз-ўтади соз» бўлимида кўча ҳаракати қоидаларига амал қилиш қонун талаби эканлиги, унга амал қилмаслик оқибати тушунтирилади.

Уч соатлик «Она-тили» дарсларида давлат тили тушунчаси, ўзбек тилининг давлат тили эканлиги, Ўзбекистонда яшовчи бошқа миллат вакиллари тилларининг камситилмаслиги ўргатилади. Шунингдек;

- «Ўзбек алифбоси ёки алфавит» бўлимида Конститутция ва қонун тушунчаси. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ўтиш ҳақидаги Ўзбекистон қонуни, қонуннинг бажарилиши шартлиги;
- Предметни билдирадиган сўзлар бўлимида хукуқий таълим-тарбия, армия, мудофа тушунчалари, 14-январ Ўзбекистон +уролли Кучлари куни эканлиги ўргатилади.

Икки соатлик дарсларга мўлжалланган «Атрофимиздаги олам» мавзусида табиатни муҳофаза қилиш тушунчаси, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» ги қонун, мазкур қонунни бузганлик учун жавобгарлик муқаррарлиги устида билим берилади. Шунингдек «Ота-оналар касби» мавзуси ўтилиб, унда хукуқий тарбия шакллантирилади. Бунинг учун меҳнат қилиш хукуқи, касб танлаш эркинлиги меҳнатни муҳофаза қилиш тушунчаси, дам олиш хақида фикр юритилади, билим берилади.

Иккинчи синфда ҳам якуний дарс сифатида «Одобнома» дарси ўтилади. Дарс жараёнида асосан фарзанд бурчига ўқувчилар диққати қаратилади. Бугун вояга етган меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар деган конституциявий қоида мавжудлиги таъкидланади. Умуман фарзандларнинг ота-онасига меҳрибон бўлиши лозимлигини тушунтирилади.

Учинчи синф дарслари 5 соатлик «Ўқиши» дарсидан бошланади. Бунда энг аввало «Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси» ўргатилади, мадҳия нималиги билдирилади, Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси тўғрисидаги қонун, мадҳияни хурмат қилиш тушунчаси ўргатилади.

+уийдаги тартибда мавзуларга оид масалалар ўргатилади:

- «Ватаним жаннат макон Ўзбекистоним» бўлимида мустақил давлат тушунчаси, мустақиллик тўғрисидаги қонун, мустақиллик куни, давлат байроғи мустақиллик рамзи эканлиги, давлат герби, давлат тушунчаси «Давлат тили тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни;
- «Ватан ҳимоячилари бўлимида Ўзбекистон +уролли кучлари, унинг мақсади, Олий Бош +ўмондон, ҳарбий хизмат тушунчалари;
- «Ўтмишни ўрганишимиз бурчимиз» бўлимида пойтахт тушунчаси, пойтахтнинг Ўзбекистон Конституциясида қайд этилиши, Тошкент Ўзбекистоннинг пойтахти, Ватанни ҳимоя қилиш муқаддас бурчлиги;
- «Халқ оғзаки ижоди» ва «Сенинг тенгдошларинг» да ўғрилик тушунчаси, ўғрилик учун жиной жавобгарликнинг муқаррарлиги, балоғатга етмаганларнинг жиной жавобгарлиги;
- «Табиатни севинг ва асранг» бўлимида таббий бойиклар Ўзбекистоннинг умумхалқ бойиклари, ер асосий бойик, ердан фойдаланиш тўғрисидаги талаблар ва бу талаблар бузилишининг хуқуқий асослари;
- «Яхши нима-ю ёмон нима?» бўлимида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ота-онани хурматлаш, қариганда улар ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳақида тушунчалар берилади.

Икки соатлик «Она тили» дарслари қуйидаги масалалар ёритилади ва билимга эга қилинади:

- «Гап» бўлимида ҳуқуқ тушунчаси, ҳуқуқбузарлик тушунчаси, тинчликка халқлар дўстлигига рапна солиши, ҳуқуқбузарлик эканлиги, давлатнинг асосий қонуни тушунчаси, инсон ҳуқуқи ва эркинликларининг қонун билан ҳимоя қилиниши;
- «Сўз таркиби» бўлимида қонун сўзининг шарҳи, қонунчиликни билиш, Конституция ва қонунларга риоя қилиш тушунчаси.

«Табиатшунослик» дарсида икки соат вақт ичида қуйидаги масалалар юзасида билим берилади:

- «Табиат» нима бўлимида инсон ҳаётига сукасд қилиш энг оғир жиноят эканлиги, табиат муҳофазаси, табиатга тажовуз қилишнинг ҳуқуқий оқибатлари;
- «Одам организми ва унинг соғлигини сақлаш» бўлимида табиат инсон ҳаётининг асоси, ўз саломатлигини асраш ва тиклаш, гигиена талабларига риоя қилиш, Республикада жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш тўғрисидаги қарорлар;
- якуний бир соатлик «Одоброна» дарсида «табиатни асраш одоби» мавзуси ёритилади. Бунда фуқароларнинг атроф табиий мухитга

эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбур эканлигини (Конституциянинг 50-моддаси) тушунтирилиши лозим.

## **Конституция ва қонунларга риоя қилиш тушунчаси**

Тўртинчи синф дарсларида ҳукуқий билим чуқурроқ берилади. Ўқувчилар қонун-қоида, интизом тушунчаларини ўргана бошлайдилар.

Конституцияга таъалуқли мавзулар «Ўқиши» дарсидан бошланади. Уч соат давомида қўйидаги масалалар юзасидан билим берилади:

- «Ўзбекистон Ватаним маним бўлимида» Ўзбекистон Республикаси, Ўзбекистоннинг расмий номи, Ўзбекистон халқи тушунчаси, халқнинг ҳокимият манбаи эканлиги. Ўзбекистон Олий Мажлиси, Президент, Вазирлар Махкамаси, Вазирликлар, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, ҳукуқ, эркинлик. ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари;
- «Халқ оғзаки ижоди» бўлимида ер-умумхалқ бойлиги, уни авайлаш ҳақида. Экология тушунчаси. Табиат муҳофазаси;
- «Зумрад баҳор» бўлимида халқ анъаналари, урф-одатлари ва байрамларига нисбатан ҳурмат тушунчаси. Байрамларимиз.

Ўқиши дарси якунлангач «Она тили» дарси бошланади. З соат давомида қўйидаги масалалар юзасидан ўқувчиларнинг билим олишлари кўзда тутилади:

- «Мактабим», «Сўз китобга», «Китоб-дўстимиз» матнлари устида ишлаш. Бунда мактаб умумхалқ мулки, китоб мактаб мулки, мулкий жавобгарлик тушунчалари билдирилиши керак;
- «Товушлар ва ҳарфлар», «Бўғин», «Урғу», «Алифбо» бўлимида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни;
- «Келишиклар» бўлимида ота-оналарнинг фарзанд олдидаги бурчи, ота-онани ҳурмат қилиш, уларга ёрдам бериш тушунчаси, кексаларни авайлаш бурч эканлиги.

Она тили дарси якунлангач, «Табиатшунослик» дарси бошланади. Икки соат давомида қўйидаги масалалар юзасидан билимлар берилади:

- мулк тушунчаси, мулкни асраш бурч эканлиги;
- табиий бойликлар, ҳайвонот олами, тупроқни муҳофаза қилиш, «+изил китоб» фалокат белгиси эканлиги.

Одатдагидек 4-синфда ҳам машғулотлар ўқувчиларга билим бериш «Одобнома» дарси билан якунланади. Икки соат давомида «Ватанин севмоқ-иймондандир», «Меҳнат билан турмуш фаровон», «Ота-онам давлатим» мавзулари ёритилади. Ватанин ҳимоя қилиш, меҳнат ҳукукларидан фойдаланиш, ота-онага ғамхўр бўлиш ўқувчилар онгига сингдирилади.

Дарслар ўтиш жароёнида талабалар нималарни англаб олиш керак? Биринчидан, мавзуларнинг барчаси ҳам ҳаётимиз қомуси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси маъно ва мазмунини ўқувчига билдириб бориш зарурлигини талаб қиласи.

Иккинчидан, мавзуларнинг берилиши масалалар моҳиятини очишга, ойдинлаштиришга йўналтирилиши оддийдан мураккабликка ўтиш принципи асосланганлиги қурилган.

Учинчидан, ҳар бир синфдаги дарс «Одобнома» дарси билан якунланганки, бунинг ўзига хос рамзий маъноси бор, албатта. Бугунги ўқувчи, ёш авлод келажаги буюк давлат Ўзбекистон Республикаси ворислари бўлар экан, улар ахлоқ одобда, хулқ -атворда ўзгаларга намуна кўрсатмоқлари керак. Бу Конституция, қонунлар, халқ талабидир. Ана шундай билимда ҳам ахлоқ одобда намунали шахсларнинг тарбияловчиларнинг ўзлари тарбияланган бўлишлари керак. Бунга амал қила олмаган ўқитувчи, синфда ҳам, мактабда ҳам, халқ орасида ҳам ва кенг жамоатчилик нигоҳида ҳам ҳурмат қозониши мумкин эмас.

Тўртинчидан, ўқитувчи ўқувчилар учун чиқарилган «Конституция алифбоси» қўлланмаси (О.А.Каримова, О.Эргашев, О.Омонова, Тошкент, «Ўқитувчи», 2001) фойдаланиши керак. Бу методик қўлланма ўқувчилар ёшини ҳисобга олган ҳолда ва дарслернинг қўйилаётган талаблар асосида содда ва тушунарли тилда ёзилган. +ўлланмада берилган ҳар бир фикр замирида кенг қамровли маъно ётади. Буни ўқувчига оддий тилда тушунтириш, билдириш ўқитувчининг билим даражасига боғлиқ. Шунинг учун ўқитувчи ҳар бир мавзуни ўтишга пухта тайёргарлик кўриши, дарсларни тушунарли ва тўғри ифодали сўларда баён этиши, қизиқарли бўлишни таъминлаши, жонли бўлишга эришиш мақсадида барча зарурий воситалардан ўринли фойдаланиши керак бўлади. Ўқитувчининг бугунги кундаги намунали дарс ўтиш маҳорати, ўқувчига у ёки бу масала юзасидан тўлақонли билим бериши илмий асардир.

Бешинчидан, ҳар бир мавзуга оид қисқа матнли ҳикоятлардан, ҳадис намуналаридан, шарқ дарғалари ибратли сўзларидан ўқувчи ёшига мослаб фойдаланилса масала моҳияти янада тўлароқ ва тарофлича ойдинлашган бўлади.

Ўқитувчи Конституциянинг илк тушунчаларини қонун, ҳуқуқ билан бөглаб кетиши учун бор-йўғи ўн соат ажратилган ва билими доирасида бир мавзуда ўн дақиқа, иккинчисида эса балки бирор кўпроқ тушунча бериши ҳам унинг ихтиёрига хавола қилинади. Фақат энди янги фан бўйича бирор ўзида ишлашга тўғри келади. Ҳуқуқий рўзномаларни, қонун, Конституция билан боғлиқ мақолаларни, балки асарларни, теле-радио кўрсатувларни кузатиб, улардан айримларини эслаб қолиб, ёки маъруза матинига кўшишни

одат қилиб олса, бу ўқитувчининг дарсидан ўқувчиларимиз яхши билим олади.

### **Текшириш саволлари**

- 1) «Конституция алифбоси» дарси қайси синфларга режаланган?
- 2) Дарс жароёнида ўтилинадиган фанлар тақрибида ҳуқуқий таълимтарбия олиб бориш методларини кўрсатинг.
- 3) «Она тили», «Одабнома» ва бошқа дарсларни Конституция билан боғлаб ўтишда нималарга эътибор бериш лозим?
- 4) Конституция ва қонунларга риоя қилиш тушунчасини ўқувчиларга қандай ўргатасиз, нималарга эътибор бериш лозим?
- 5) Ўқувчилар Конституция ва қонунларга ҳурмат билан қарашлари учун қандай тушунчаларни сингдириш лозим?

### **5. Мавзу: «Конституция оламига саёҳат» фанида Конституцияни ўрганиш-(2 соат)**

1. Ҳаётимиз +омуси – Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси;
2. Ўзбекистон Республикасининг Конститутциясининг юзага келиши.

### **ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. И.А.Каримов. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли». – Т., «Ўзбекистон», 1992.
2. И.А.Каримов. «Ўзбекистон - келажаги буюк давлат». - Т., «Ўзбекистон», 1992.
3. И.А.Каримов. «Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати». - Т., «Ўзбекистон», 1993.
4. И.А.Каримов. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин!». – Т., «Ўзбекистон», 1993.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т., «Ўзбекистон», 1992.
6. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. - Т., «Адолат», 1992.
7. Р.К.Каюмов. «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи». – Т., «Ўзбекистон», 1998.

8. Ш.З.Уразаев. «Развитие Конституции ЎзССР», - Т., 1957.
9. А.Х.Сайдов. «Мустақиллик қомуси». - Т., 1993.
10. У.Т.Тожихонов. «Истиқлолимизнинг хуқуқий негизи», Т.1994.
11. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар. Т.2001й
12. 1920-23 йиллардаги Хоразм Халқ Республикаси Конституциялари.
13. 1921-23 йиллардаги Бухоро Халқ Республикаси Конституциялари.
14. 1927-1937-1978 йиллардаги Ўзбекистон ССР Конституциялари.

## **Ҳаётимиз +омуси – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси**

Конституция лотинча сўз бўлиб, давлатнинг ижтимоий ва давлат тузумини, сайлов тизимини, давлат органларининг ташкил этилиши ва фаолиятини фуқароларнинг хуқуқлари ва бурчларини белгилаб берувчи асосий қонун.

Шўролар тузуми даврида Ўзбекистонда уч марта яъни 1927,1937 ва 1978 тилларда конституция қабул қилинган. Лекин улар моҳияти, эътибори билан СССР Конституциясига мувофиқлаштирилган ва айни унинг нусхаси ҳисобланган.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи асосий қонуни-Мустақиллик Конституцияси 12-чақириқ. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 11-сессиясида 1992-йил 8 декабрда қабул қилинди. У бошидан охиригача мустақиллик ғояси билан сугорилган. У ўз ички тузилиши ва янги қоидалари билан жаҳон конституциявий амалиётига тўла мос келди. Конституцияда инсон, шахс ва жамиятнинг хуқуқий жихатлари, давлат ҳокимиютининг тузилиши ва унинг идоралари фаолиятини ташкил этишнинг қоидалари ифода этилган. Конституция ёш давлат тизими ва тараққиёти тамойилларини эълон қилди, демократияга содиқлиги, тинчликсеварлиги, умуминсоний қадриятларга хурмат билан қарашини намоён этди. У янги жамият ва давлат курилиши асосларини мустаҳкамлади, инсон хуқуқлари муҳофазаси, хуқуқий ва сиёсий тизим шакланиши учун мустаҳкам пойdevor кўйди.

### **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг юзага келиши**

Ўзбекистоннинг 1992-йил 8 декабрда қабул қилинган янги мустақиллик Конституцияси қуйидаги тартибда юзага келди.

Конституцияни тайёрлашда энг тараққий этган давлатларнинг бой тажрибаларидан, инсонпарварлик ғоялари акс этган халқаро хужжатлар талабларидан фойдаланилади.

1991 йилнинг 31 августида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида» ги Конститутциявий қонун унинг учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади. 17-моддадан ташкил топган, ниҳоятда ихчам ва лўнда ёзилган ушбу ҳужжат янги конститутция қабул қилингунга қадар ўз моҳияти бўйича муваққат кичик конститутция вазифасини ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов раислигига Конститутциявий Комиссия ишлади. Конститутциявий комиссия умумхалқ муҳокамаси яқунларини кўриб, лойиҳани тузатиб ва маъқуллаб Олий Кенгаш сессиясида моддама-модда қизғин муҳокама этилди ва қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси 6-бўлим, 26-боб, 128 моддадан иборат. Муқаддимаси жуда қисқа ва қўтаринки руҳда ёзилган. Унинг моҳияти; Конститутцияни халқ, яъни давлатнинг ҳақиқий соҳиби қабул қилади ва унда ўз манфаатини ифода этади.

Конститутциянинг асосий мантиқий йўналиши; инсон жамият давлатга қаратилган. Биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикасининг давлат сифатидаги асосий конститутциявий принципплари кўрсатилган.

Бундай принциплар қаторига давлат суверенитети, халқ ҳокимияти, Коонститутция ва қонуннинг устунлиги ҳамда ташқи сиёсий тамойиллари киради. Бўлим 17 моддадан иборат.

«Инсон ва фуқароларнинг асосий хукуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деб аталган ва 35 моддадан ташкил топган иккинчи бўлим инсон хукуқларининг Ўзбекистонга хос яхлит ва кенг тизимиdir. Бу бўлимда Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари бир хил хукуқ ва эркинликларига эга бўлиши, жинси, ирқи, миллати, вазни, тили, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатий назар, қонун олдида тенглиги таъкидланган. Бу хақида инсон хукуқлари тўғрисидаги халқаро хукуқий ҳужжатлардаги ғоя ва нормаларни ўзида мужассамлаштирган. Ўзбекистон фуқаролари сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий хукуқларга эга бўлиб, улар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этадилар.

Ҳар бир шахс мулқдор бўлишга ҳақли, мерос хукуқи билан кафолатланади. Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш хукуқига эгадир. Барча фуқаролар дам олиш хукуқига эга бўлиб, иш вақти ва хақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади. Ҳар бир инсон билим олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш хукуқига эга. Конститутцияда ҳар бир шахсга ўз хукуқи ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш давлат органлари мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайри қонуний хатти-харакатлари устидан судга шикоят қилиш хукуқи кафолатланади. Хотин-қизлар ва эркаклар тенг хукуклидирлар. Конститутция ва қонунларга қатъий риоя қилиш барча фуқаролар учун мажбурийдир, чунки бу хукуқий давлат тузишнинг зарур

шартидир. Ўзбекистонни ҳимоя қилиш-Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

Конституциянинг 15 моддадан иборат учинчи бўлими «Жамият ва шахс» деб аталади. Бу бўлимда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик, меҳнат қилиш эркинлиги барча мулк шаклларининг teng хуқуқлилиги масалалари баён этилган. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги, мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилиши, фойдаланиши ва тасарруф этиши таъкидланади. Конституциявий тузимни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, Республиkaning сувиренитети, яхлитлиги ва хавфсизлилигига қарши чиқувчи уришни ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи миллий ва диний руҳдаги сиёсий қадриятларнинг ҳамда жамоаларнинг тузилиши ва фаолияти тақиқланади. Конституцияда кўрсатилишича, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунга қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар, шунингдек вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

Конституциянинг тўртинчи бўлими (8 моддадан иборат) маъмурий ҳуддудий ва давлат тузилишига бағишлиланган. Конституцияга кўра Ўзбекистон, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, қишлоқлар, шаҳарчалар ва овуллар шунингдек +орақалпоғистон Республикасидан иборат. +орақалпоғистон Республикаси, вилоятлар Тошкент шаҳрининг чегараларини ўзгартириш шунингдек вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ташкил қилиш ва уларни тугатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги билан амалга оширилади. Конституциянинг бешинчи бўлими давлат ҳокимияти идораларини ташкил этиш ҳақида бўлиб, асосий қонундаги энг катта (51 моддадан иборат) қисм ҳисобланади. Бу бўлимда ҳокимият ваколатларининг тақсимлаш принципи ўзининг амалий ифодасини топган. Давлатимизнинг марказий идоралари-Олий Мажлис, Президент, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий Олий ва Хўжалик судлари, прокуратура. Маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг конституциявий мақоми белгилаб берилган. Сайлов тизимининг принциплари, молия ва кредит, хавфсизлик ва мудофа масалалари ҳам Конституциявий тартибга солиш доирасига кирган.

Сўнгги, олтинчи бўлим (2 моддадан иборат) Конституцияга ўзгартириш киритишга бағишлиланган бўлиб, хуқуқий нуқтаи назардан асосий қонуннинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган.

Конституция шу тариқа истиқболдаги қонун чиқарувчилик фаолиятининг асосий йўналишини белгилаб бериш билан биргалиқда жамиятда халқ манфаатлари йўлида ислоҳотларни ривожлантиришга имкон берадиган хуқуқий асосларни ҳам яратди, у инсон хуқуқларини, барқарорлигини, Ўзбекистоннинг барча фуқароларига ишончли истиқболни кафолатлайди.

## **Текшириш саволлари**

- 1) Ҳаётимиз +омуси – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нима сабабдан қабул қилинди?
- 2) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг юзага келишига қандай ҳуқуқий ҳужжатлар асос бўлди?
- 3) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тузилишини изоҳлаб беринг.
- 4) Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолатлари қандай ўрин эгаллаган?

### **6 мавзу: Инсон ҳуқуқи – бола ҳуқуқи – (2 соат)**

1. Инсон ҳуқуқи – бола ҳуқуқи;
2. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарлиги ва уларнинг сабаби

#### **ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. И.А.Каримов. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли». – Т., «Ўзбекистон», 1992.
2. И.А.Каримов. «Ўзбекистон - келажаги буюк давлат». - Т., «Ўзбекистон», 1992.
3. И.А.Каримов. «Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати». - Т., «Ўзбекистон», 1993.
4. И.А.Каримов. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин!». – Т., «Ўзбекистон», 1993.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т., «Ўзбекистон», 1992.
6. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси. - Т., «Адолат», 1992.
7. Р.К.Каюмов. «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи». – Т., «Ўзбекистон», 1998.
8. У.Т.Тожихонов. «Истиқлолимизнинг ҳуқуқий негизи», Т.1994.
9. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар. Т.2001й.
10. Ўзбекистон Республикасининг Прокуратура тўғрисидаги қонуни (янги таҳрири), 2001,29 август.
11. Ўзбекистон Республикасининг судлар тўғрисидаги қонуни, 2000, 14 декабр.
12. И.А.Каримов. «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.» «Халқ сўзи», 2002 йил 30 август.

## **Инсон ҳуқуқи - бола ҳуқуқи**

Инсон ҳуқуқлари – бу абсолют ҳуқуқлар бўлиб, улар барча инсонларга, шунингдек, ижтимоий келиб чиқиши, тааллуқлиги ва мансублигидан қатъий назар болаларга ҳам тегишли.

Жаҳонда миллионга яқин болалар шундай шароитларда ишлашадики, бу шарт-шароитлар уларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солмоқда. Улар етарли таълим-тарбия ҳам олмайдилар. Мутахассисларнинг фикрича, миллионга яқин болалар сотилади ёки контрабанда (яширин, ноқонуний) савдосининг обьекти бўлиб ҳисобланадилар, кўпчилик болалар эса қулчилик шароитида яшашади.

Бутун жаҳон болаларига бўлган бундай ваҳшиёна муносабатни тугатиш мақсадга мувофиқ бўларди. БМТнинг Бош Ассамблеяси 1989 йилнинг 20 ноябрида «Бола ҳуқуқлари тўғрисида» ги Конвенцияни қабул қилдики, унга бирданига 61 давлат имзо чекишиди. Конвенцияга имзо чекишар экан, бу давлатлар унинг ратификацияси ҳақида жиддий ўйлаш кераклигини таъкидлашди. Чунки ратификация жараёни ўз ичига парламент ва ҳукуматга ўз миллий қонунчилигини шартномага мувофиқлаштириш мажбуриятини юклайди.

Давлатимиз мустақилликка эришганидан 2 йил ўтар-ўтмас, «Бола ҳуқуқлари тўғрисида» ги Конвенцияга қўшилишлик хоҳишини билдиради.

Республикамизда она-бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доим давлатимизнинг муҳим мажбуриятларидан бири сифатида ҳисобланиб келинган. Мустақиллик йилларида қабул қилинган деярли барча қонунлар ва қонуности ҳужжатлари инсон ҳуқуқлари қонунчилигига асослангандир.

Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан чиқарилган фармойишларнинг ичида оналик ва болалик ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим ўринни эгаллайди. Бу ҳужжатлар қаторида 2000 йил «Соғлом авлод йили» деб, 2001 йил эса «Оналик ва болалик йили» деб эълон қилиниши ҳукуматимизнинг бу масалага бўлган эътиборини кўрсатади.

И. А. Каримов ЮНЕСКОнинг 155-сессиясининг яқунлов мажлисида сўзга чиқар эканлар, қуидагиларни минбардан туриб таъкидладилар: «Мен ишонаманки, маданият ва таълим дунёни жаҳолат ва нодонлик, миллий келишмовчилик, миңтақавий низолар ҳамда урушлардан ҳимоя қилади. Бизлар ўз мактаб, лицей ва колледжларимизда таълим тизимида ЮНЕСКО жаҳондаги олий орзулар руёби, адолат ва инсоният цивилизациясининг ривожини таъминлайдиган халқаро ташкилот деб танитадиган маҳсус фанларни киритганимиз».

Таълим олишга бўлган ҳуқуқ демократик жамиятда инсон ҳуқуқларининг асосийларидан биридир. Ўқимишли инсонгина қонуний ҳужжатлардаги ҳуқуқий меъёрларни билгани учун ўзини ҳимоя қила олади.

Ҳар томонлама мукаммал билим олишда ўқитувчи ҳамда мураббийлар зиммасидаги муқаддас бурч алоҳида аҳамият касб этади. Бундай билим олишда бола ҳуқуқлари, уларнинг оила, мактаб ва жамиятдаги ҳуқуқий ҳолатларига эътибор бериш лозим бўлади.

Республикамиз мактабларида инсон ва бола ҳуқуқларидан таълим бериш янги педагогик билим соҳаларидан ҳисобланади. Бунда кўпгина ўқитувчилар нимадан бошлиш, қайси ҳужжат ва манбалардан фойдаланиш каби муаммоларга дуч келиши табиий. Бундан ташқари мактаб ўқитувчилари, мактабгача тарбия муассаса ходимлари билан бўлган сұхбатдан уларнинг «Бола ҳуқуқлари тўғрисида» ги Конвенция билан ишлашга тайёр эмасликлари аниқ бўлди.

«1998 йилги Таълим бўйича жаҳон миқёсидаги маъруза» номли китобда келишича, ЮНЕСКО ташкил этилган биринчи кунлариданоқ ўқитувчиларга ўз таъсирини ўтказувчи таълим тизимидағи сиёsat ҳамда ташаббус ва ислоҳотларни кузатиб келмоқда.

Биз бугун яшаб турган олам эртага фарзандларимизга мерос бўлиб қолади. Бизнинг умидларимиз ҳам, келажагимиз ҳам бугун тўғри йўлга бошлаб ўқитаётган болаларимиздир. Бу болалар эса ўз ҳуқуқларини, ўзларини ҳимоя қилувчи қонун ҳужжатларини, давлат ва халқаро ҳамжамият томонидан уларнинг шахси ҳақида қайғурилаётганлигини билишлари лозим. Бунда уларга ўқитувчи ва мураббийларнинг холис кўмаги қўл келади.

Бола ҳуқуқларида мазкур дарс ва дарсдан ташқари машғулотлар олиб бориш учун ўқитувчи ҳар томонлама тайёр бўлиши керак. Авваламбор, у Бола ҳуқуқлари Декларацияси, «Бола ҳуқуқлари тўғрисида» ги Конвенция ҳамда Ўзбекистон Республикаси болалар ва ўсмирларнинг ҳуқуқий ҳолатини ҳимоя қилувчи қонун ва қонуности ҳужжатлари билан яқиндан танишган бўлиши лозим.

Ўқитувчи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси моддалари билан бир қаторда болаларнинг ҳуқуқлари ҳамда уларнинг ота-она, жамият ва давлат олдидаги мажбуриятларини билишлари керак бўлади.

Машғулотлар давомида мавзууни ёритишда турли хил услублардан фойдаланилади. Бунда муайян ўқув муассасидаги ёки чет эл болалари ҳаётидан келтирилган аниқ мисоллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Дарс мавзуига тингловчиларни жалб этиш, ўқувчиларга болалар ҳуқуқий ҳолатининг у ёки бу масаласи юзасидан ўз мулоҳазаларини эркин ифода этиши, тингловчиларнинг ўзларини қийнаб турган муаммолари билан бўлишишларини ўқитувчининг машғулот давомида юзага келтирган эркин вазиятдагина намоён бўлади. Бу машғулотлар оддий тарзда ўтказилиб, ўқувчилар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича эркин фикр-мулоҳаза билдиришлари, ҳар бир ҳуқуқ ва мажбуриятларга тааллуқли масалада иштирок этишга ҳаракат қилишлари лозим бўлади.

Машғулотларни ўтказишдан асосий мақсад: болаларни оила, мактаб ва жамиятдаги ҳуқуқий ҳолатларини ҳимоя қилувчи қонун ва қонуности

хужжатлари билан яқиндан таништириш. Конституция, «Бола ҳуқуқлари тўғрисида» ги Конвенция таркиби билан таништиришдир.

Машғулотларда қўйилган вазифалар: тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва қонуности хужжатлари ҳамда «Бола ҳуқуқлари тўғрисида» ги Конвенциянинг мазмун-моҳиятини етказишдан иборат.

Болаларга ўзларининг ҳуқуқлари жамият ва давлат томонидан муҳофаза қилинаётганлигини сингдириш, шу жумладан, катталар, оила ва жамият олдидаги бурчларини ҳам эслатиб қўйиш зарурдир.

Энг муҳими болаларга ўз ҳуқуқларини ўргатиш билан бирга, ўз мажбуриятларига риоя ҳам этишларини эсдан чиқарип қўймасликларидир.

Ўқитувчи ўз олдига дарс ўтишда аниқ мақсад қўяди, улар:

- таълимий- ўқувчиларга Конституция ва бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун хужжатлар асосида бола ҳуқуқи ҳақида тушунча бериш; жаҳон миқёсида бола ҳуқуқининг ҳимоя қилиниши, бола ҳуқуқи тўғрисидаги декларация ва унинг мазмунини тушуниши; бола ҳуқуқи ҳақидаги Конвенциянинг мазмuni ва унга Ўзбекистон Республикасининг муносабати ҳақида тушунча бериш;
- тарбиявий-ўқувчиларга болалар ҳуқуқини ўргатиш билан уларни бола ҳуқуқи декларацияси ва Конвенциясида белгиланган қоидаларга риоя этишга ўргатиш; бошқа кишиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилишга ўргатиш.

«Конституция оламига саёҳат» дарсларида қуйидаги адабиётлардан фойдаланиш мумкин:

1. Бола ҳуқуқи Декларацияси. 1959 й.
2. Бола ҳуқуқи Конвенцияси. 1989 й.
3. О. Ҳусанов, О.А.Каримова, Х.Азизов, Х.Тўйчиева, З. Каримов. «Инсон ҳуқуқлари», Ўқув қўлланмаси. Тошкент 1997 йил.
4. Вақтли матбуот материаллари.
5. Бола ҳуқуқи. «Адолат» Тошкент 1997 йил.
6. О.А.Каримова, Г. Шомаруфхўжаева. Инсон ҳуқуқий-бола ҳуқуқи. Тошкент, 2003 йил.

### **Вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарлиги ва уларнинг сабаблари.**

Ўзбекистон Республикаси қонуларида вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарлари: маъмурий, жиноий, моддий ва интизомий турда бўлиши мумкин. Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун 16 ёшдан, жиноий ҳуқуқбузарлик учун 13 ёшдан жавобгарликка жалб этиш мумкин. Моддий ҳуқуқбузарлик этган вояга етмаганлар ишламасалар, улар келтирган заарни ота-оналари, яқинлари қоплайди. Интизомий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка

тортишдан аввал, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланадиган комиссия хабардор бўлиши лозим. Уларнинг рухсати билан бу масаланинг ечими амалга оширилади.

Инсон жиноятчи бўлиб туғилмайди, ҳеч бир ота-она, ҳатто ашаддий жиноятчи ҳам ўз фарзандини жиноятчи, ўғри-муттаҳам бўлишини истамайди.

«Одам нима сабабдан жиноят қиласди?» - деган савол жуда қадим замонларданоқ инсониятнинг илғор фикрли вакилларини ташвишга солиб келган. Бу масалалар қадимги дунё, ўрта аср, янги ва ҳозирги замон буюк алломаларининг асарларида ўз ифодасини топган. Улар одамларни яхшиликка, тўғриликка, одамийликка чақирганлар. Жумладан, қадимги юонон файласуфи Арасту: «*Баркамолликка эришган одам бар÷а жонзодлардан юқори туради; аммо агар қонунлар ва адолатга бўйсунмай яласа, ҳаммасидан тубандир*» деб ёzáди.

Вояга етмаганлар жиноятининг келиб чиқиш сабаблари асли ўзи нимада? Хуқуқшунослар, педагоглар, ота-оналар, хукуқни муҳофаза қилувчи орган вакиллари, ёшлар, жинояти-вояга етмаганларнинг бу саъолга берган жавоблари турли туман, бир-бирларига боғлиқ, асосли бўлмоқда. Ушбу ҳаётий жавобларни, хукуқий манбаларни таҳлил қилиш аниқ ёки ҳаммасидан тубандир» деб кўрсатёй юртсанда:

- Авлоддан-авлодга ўтадиган наслий (генетик) хусусиятлар қизиқонлик, енгилтаёлик, бепарволик, воқеа-ҳодисаларнинг қай даражада тез ёки кеч қабул қилиб мияни ишлата олиш, ота-онанинг жиноятчилик сифатларини болаларга ўтиши;
- Киши яшаб ўсган ва тарбияланган муҳит, шу муҳитдаги ижобий ва салбий ҳодисаларнинг киши шахсига таъсири ва уйёға қай даражада шаклланиб қолганлиги;
- ёшлар онгода хукуқий билим, малака, кўнималарнинг шаклланмаганлиги, хукуқбузарлик, жиноят, жавобгарлик, жазо унинг оғир оқибатларини билмаслик, ёки аксинча хукуқий онг ва билимга эга бўлсада, хукуқий маданият этишмаслиги оқибатида қасдан, эҳтиётсизликдан жиноят содир этишлари;
- Ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи ҳомий, васийларнинг бепарволиклари;
- Маҳалла-кўй, айрим масъулиятсиз устозлар, қариндош-уруғларнинг жамият давлат аҳамиятига молик фарзандлар тарбиясига бўлган салбий, бепарво муносабатлари;
- Ўқувчиларнинг қунлаб, ойлаб дарсга қатнашмасликлари, бу эса касб эгалари бўлган айрим устозларни қизиқтирмаслиги;
- Маҳалла қўмиталар, қўни-қўшнилар айрим ёшларда бошланаётган жиноятга хос ҳолатларни ёки ёмон айнек ўтишадига қўйёёға қимор, карта

ўйинлари ўйнаётганларини кўриб-кўрмасликка олишлари, яъни жамоатчиликнинг пассив ҳаракатлари;

- айрим ички ишлар органларининг вакиллари, хусусан вояга етмаганлар назорати бўлимининг ўз ишига ситқидилдан муносабатда бўлмаётган ҳодимлари, учаска вакиллари ёшлар ўртасидаги ҳукуқбузарликларни олдини олиш чора-тадбирларини кўрмасликлари;
- маҳалладаги айрим «зўравон тўдалар»ни вақтида жиловини тортиб кўймасликлари;
- амалий, ҳукуқий, ҳаётий мисоллар асосидаги суд, прокуратура, милиция ҳодимларини мактаб, ёшлар ҳамкорлигидаги учрашувлар ва давра сухбатларини мунтазам ўтказмаётганилиги;
- Ёшлар бўш вақтларини мазмунли, кўнглли ўтказишлари учун етарли шароитларнинг етарли эмаслиги;
- Мактабларда «Хукуқшунослик» дарсларининг юқори савияда ташкил этилмаганлиги ва бошқалар.

Ўқитувчи ҳар бир ҳукуқбузорлик сабабларини шархлаб, ўқувчиларнинг муносабатини аниқлаши керак. Ўқувчилар қандай вазиятда ҳукуқбўзарлик келиб чиқмаслигини, ўлар ўзларини қандай тутсалар ҳукуқбузарликка дахлдор бўлмасликларини аниқлаб олишлари лозим. Сухбатнинг асосий мазмуни ҳам шундан иборат.

## **Текшириш саволлари**

- 1) Инсон ҳукуқи – бола ҳукуқи деганда нималарни тушунасиз?
- 2) Бола ҳукуқини ҳимоя қиласидиган жаҳон миқёсидаги қандай ҳужжатларни биласиз?
- 3) Бола ҳукуқини ҳимоя қилишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларидан нималарни биласиз?
- 4) Вояга етмаганларнинг ҳукуқбузарлиги ва уларнинг сабаби нимада деб биласиз?
- 5) Вояга етмаганлар ҳукуқбузарликлари учун уларга қандай тарбия бериш лозим?
- 6) Тарбияси оғир болалар билан қандай ишлар олиб борилади?

## **ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. И.А.Каримов. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли». – Т., «Ўзбекистон», 1992.

2. И.А.Каримов. «Ўзбекистон - келажаги буюк давлат». - Т., «Ўзбекистон», 1992.
3. И.А.Каримов. «Буюк келажагимизнинг хуқуқий кафолати». - Т., «Ўзбекистон», 1993.
4. И.А.Каримов. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин!». – Т., «Ўзбекистон», 1993.
5. И.А.Каримов. «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари». - Т., «Ўзбекистон», 1995.
6. 1918-1920 йиллардаги Туркистан АССР Конституциялари.
7. 1920-23 йиллардаги Хоразм Халқ Республикаси Конституциялари.
8. 1921-23 йиллардаги Бухоро Халқ Республикаси Конституциялари.
9. 1927-1937-1978 йиллардаги Ўзбекистон ССР Конституциялари.
10. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т., «Ўзбекистон», 1992.
11. Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларацияси. - Т., «Адолат», 1992.
12. Р.К.Каюмов. «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий хуқуқи». – Т., «Ўзбекистон», 1998.
13. Ш.З.Уразаев. «Развитие Конституции ЎзССР», - Т., 1957.
14. А.Х.Сайдов. «Мустақиллик қомуси». - Т., 1993.
15. У.Т.Тожихонов. «Истиқлолимизнинг хуқуқий негизи», Т.1994.
16. А.А.Агзамходжаев. «Конституционное развитие Узбекской ССР». Т. 1996.
17. Сравнительное конституционное право. М., 1996.
18. К.В.Арановский. «Государственное право зарубежнўх стран». М., 1998.
19. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Тўплам. X 6-22. Т., «Адолат».
20. «Конституция мира», В 7 томах. Тошкент, 1997-2000.
21. А.Сайдов, У.Тожихонов. «Давлат ва хуқуқ асослари». Тошкент, 1999.
22. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар. Т.2001й.
23. Ўзбекистон Республикасининг Прокуратура тўғрисидаги қонуни (янги таҳрири), 2001,29 август.
24. Ўзбекистон Республикасининг судлар тўғрисидаги қонуни, 2000, 14 декабр.
25. И.А.Каримов. «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.» «Халқ сўзи», 2002 йил 30 август.

## **«Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганш» методикаси маҳсус курс бўйича тест саволлари**

1. «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил қилиш тўғрисида»ги Фармойиш қачон эълон қилинди?
  - a) 2001 йил 4 январда
  - b) 2001 йил 12 февралда
  - c) 2002 йил 8 марта
  - d) 2002 йил 1 сентябрда
  - e) 2002 йил 21 августа.

2. «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» методикаси фани бўйича неча соат маъруза ўтилади?

- a)** 12 соат
- b)** 8 соат
- c)** 20 соат
- d)** 14 соат
- e)** 10 соат.

3. «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» методикаси фани таълим тизимининг қайси туридан бошланиб ўргатилади?

- a)** Мактабгача таълимдан
- b)** Умумий ўрта таълимдан
- c)** Тўртинчи синфдан
- d)** 8 – синфдан
- e)** 9 – синфдан.

4. Ҳар ким билим олиш хукуқига эга эканлиги хақида конституциянинг қайси моддасида кўрсатилган?

- a)** 41-модда
- b)** 43-модда
- c)** 44-модда
- d)** 45-модда
- e)** тўғри жавоб йўқ

5. Таълим олиш хукуқини амалга ошириш?

- a)** барча жавоблар тўғри
- b)** таълим олиш учун зарур шароит яратиш
- c)** давлат ва нодавлат таълим бериш муассасаларининг тармоғини яраттиш
- d)** давлат таълим муассасаларидаги таълимнинг бепуллиги
- e)** таянч маълумоти олишнинг мажбурияти

6. Мамлакатимизда саводхонлик даражаси?

- a)** 97-7 %
- b)** 95 %
- c)** 90 %

- d) 71%
- e) 85 %

7. Таълим тизими?

- a) мактабгача таълим
- b) умумий ўрта маълумот
- c) ўрта маҳсус қасбий таълим
- d) олий маълумот
- e) ўрта маълумот

8. «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури» қайси орган томонидан қабул қилинган?

- a) Олий Мажлис
- b) Вазирлар маҳкамаси
- c) суд
- d) прокуратура
- e) Президент

9. Маданият деганда нимани тушунасиз?

- a) инсон томонидан яратилган барча фаровонликлар йигиндиси
- b) ижтимоий ҳаётнинг универсал хусусияти
- c) маънавият ва маърифат билан боғлиқлиги
- d) ўзига хос компонентларни ўзига олади
- e) барча жавоблар тўғри

10. Таълим тўғрисида халқаро ҳуқуқ нормалари?

- a) барча жавоблар тўғри
- b) бошланғич таълимнинг мажбурийлиги
- c) унинг бепуллиги
- d) ўрта таълим тизимидан барчани фойдаланиши
- e) олий таълимнинг тўла тенглик асосида ва ҳар бир кишининг қобилиятидан келиб чиқиб барча эриша оладиган қилмишни ифодалайди

11.Халқаро маданий хамкорлик принциплари тўғрисидаги декларация неchanчи йил қабул қилинган?

- a) 1996-йил 4-ноябр

- b) 1971-йил 1октябр
- c) 1963-йил 4 декабр
- d) 1983-йил 3 январ
- e) тўғри жавоб йўқ

12. Оилада Конститутцияни ўргатишда нималарга эътибор берилади?

- a) Ота-она ва катталарни хурмат қилиш
- b) Туғилиб ўсган жойга, она ватанга нисбатан меҳр мухаббатни тарбиялашга
- c) Оила аъзоларига бўлган хурмат ҳиссини тарбиялашга
- d) Атроф мұхитни авайлашга ўргатиш:
- e) Юқоридаги жавобларнинг барчаси тўғри

13. Катта гуруҳда конститутцияни ўргатиш бўйича машғулотлар ўтказишидан мақсад нима?

- a) Болаларнинг туғилиб ўсган Она-Ватанига хурмат уйғотиш
- b) Тарихий жойлар ҳақида илк тушунчалар бериш
- c) +онунларни хурмат қилишга ўргатиш
- d) А ва Б жавоблар тўғри
- e) Барча жавоблар нотўғри

14. Мактабгача тайёрлов давридагиларга Конститутцияни ўргатиш бўйича машғулотлар ўтказишида нималарга эътибор қаратилади?

- a) Мустақил Ўзбекистон ҳақидаги тушунчаларни кенгайтириш:
- b) Оила аъзоларига хурматни уйғотиш:
- c) Урф одатларни ўргатиш:
- d) Тарихий жойлар ҳақида илк тушунчалар бериш:
- e) ҳамма жавоблар тўғри

15. «Конститутция алифбоси фани» қандай усуlda ўқитилади?

- a) +оида тушунчаси, қонун, Конститутция тушунчаларини ўргатиш орқали;

- b) Ўзбекистон Республикаси рамзларини ўргатиш орқали;
- c) Миллий байрамларни ўргатиш орқали;
- d) илк ҳуқуқий тушунчалар бериш орқали;
- e) тушунтириш ва ўргатиш асосида

16. «Атрофимиздаги олам» дарсида асосий эътибор нимага қаратилади?

- a) Табиатни муҳофаза қилиш тушунчаси
- b) Дам олишга
- c) Гигиена қоидаларига риоя қилишнинг зарурлиги
- d) оиласдаги тартиб қоидаларга
- e) барча жавоблар тўғри

17. «Одобрнома» дарсида конститутцияни ўргатиш қандай мавзуларда амалга оширилади?

- a) «Ўзбекистон ватаним маним» мавзусида
- b) «+оидаларимиз муқарардир» мавзусида
- c) «Мехнатга боргандা ўзини тутиш қоидалари» да
- d) «Гигиена қоидалари» мавзуси
- e) «Ошхоналардаги тартиб қоидалар» мавзусида

18. «Конститутция оламига саёҳат» фанида Конститутцияни ўрганишда нимага аҳамият қаратилади?

- a) Конститутция- давлатнинг асосий қонуни
- b) Хулқ-атвор маданияти
- c) Табиатни муҳофаза қилиш тушунчаси
- d) Гигиена қоидаларига риоя қилиш қоидалари
- e) Барча жавоблар тўғри

19. Давлат ва шахс мавзусида нималарга эътибор бериш керак?

- a) Давлатда шахснинг ўрнига;
- b) Давлатнинг жамиятда тутган ўрнига;
- c) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига;
- d) Фуқаролик тушунчасига;
- e) Барча жавоблар тўғри

20. +онун тушунчасида нималарга эътибор бериш керак?

- a) +онунлар нима учун кераклигига;

- b) +онуннинг қабул қилиш босқичларига;
- c) қонунчиликка;
- d) қонунийликка;
- e) «Таълим тўғрисидаги қонунга».

21. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва бурчлари нималардан иборат?

- a) Вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига;
- b) Вояга етмаганларга нисбатан қўлланиладиган жазо чораларига;
- c) Конституция ва қонунларга риоя қилишдан;
- d) Вояга етмаганларнинг ишга кириш ҳуқуқига;
- e) барча жавоблар тўғри.

22. Вояга етмаганлар неча ёшдан жиноий жазога тортиладилар?

- a) 13 ёшдан
- b) 14 ёшдан
- c) 15 ёшдан
- d) 16 ёшдан
- e) 18 ёшдан.

23. Вояга етмаганлар неча ёшдан маъмурий жавобгарликка тортиладилар?

- a) 16 ёшдан
- b) 14 ёшдан
- c) 15 ёшдан
- d) 17 ёшдан
- e) 18 ёшдан

24. «Бола ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенция» қачон қабул қилинган?

- a) 1989 йил
- b) 1988 йил
- c) 1948 йил
- d) 1990 йил

e) 1991 йил